

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ  
БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*М.А. Шамсикулова*  
*Иқтисодиёт магистри*

**Аннотация**

Кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлилигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, кредитларн тижорат банклари активларининг таркибида юқори салмоқни эгаллайди; иккинчидан, кредитлар юқори рискли ва юқори даромадли актив ҳисобланади.

Мақолада республика тижорат банкларининг кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тижорат банки, кредит, кредит портфели, кредит rischi, захира, фоизли даромад, фоиз ставкаси, ликвидлилик.

**Аннотация**

Совершенствование управления кредитным портфелем является обязательным условием обеспечения финансовой устойчивости и ликвидности коммерческих банков. Это объясняется тем, что, во-первых, кредиты занимают большой удельный вес в структуре активов коммерческих банков; во-вторых, кредиты являются высокорисковыми и высокодоходными активами.

В статье выявлены, актуальные проблемы, связанных совершенствованием управления кредитным портфелем коммерческих банков республики и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

**Ключевые слова:** коммерческий банк, кредит, кредитный портфель, кредитный риск, резерв, процентный доход, процентная ставка, ликвидность.

**Annotation**

Improving loan portfolio management is a prerequisite for ensuring the financial stability and liquidity of commercial banks. This is explained by the fact that, firstly, loans occupy a large share in the structure of assets of commercial banks; secondly, loans are high-risk and high-yield assets.

The article identifies current problems related to improving the management of the loan portfolio of commercial banks of the republic and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

**Key words:** commercial bank, loan, loan portfolio, credit risk, reserve, interest income, interest rate, liquidity.

## КИРИШ

2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясига мувофиқ, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади [1]. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг кредит портфелини бошқариш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Ж.Синки тижорат банкларининг кредит портфелини сифатини ошириш учун, кредит олувчи мижознинг пул оқимини таҳлил қилиш кредит рискин пасайтиришда муҳим ўрин тутади ва кредит портфелининг сифатини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Бунда мижознинг пул оқимини таҳлил қилиш қуйидаги долзарб саволларга жавоб топиш имконини бериши керак:

- мижознинг соф фойдаси унинг узоқ муддатли қарзларининг жорий қисмини тўлаш учун етарлими?
- компания айнан қанча миқдорда пул маблағлари олади?
- компания ўз операцияларини қандай молиялаштиради?
- компаниянинг жорий ҳолатини раҳбариятнинг қайси ҳатти-ҳаракатлари ёки қайси ташқи таъсирлар белгилайди [2].

Ш.Мирзиёвнинг хулосасига кўра, мамлакат тижорат банклари бераётган кредитлар етарли даражада ресурслар билан таъминланмаган: «банкларга қўйилган депозитларнинг 70 фоизи қисқа муддатли бўлгани ҳолда, кредитларнинг 90 фоизи узоқ муддатга берилган» [3].

В.Усоскиннинг фикрига кўра, банкнинг кредитлардан оладиган даромадлари бевосита рискларни бошқариш билан боғлиқ бўлиб, уларнинг кредит портфели рискларнинг барча асосий турларига: ликвидлик рисқи, фоиз рисқи, кредит рисқига мойилдир [4].

Н.Валенцева томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаси кўрсатдики, кредитлар бўйича фоиз ставкасини фоизли маржа ҳисобидан пасайтириш имконияти банк маҳсулотлари таннархини пасайиши билан белгиланади. Бунда, фоизли спрэд миқдорининг умумий қуйи чегараси бўлиб, етарли даражадаги фоизли маржа ҳисобланади. Банкларда чиқимларни пасайтиришнинг муҳим шarti – бу банк амалиётига банк маҳсулотлари таннархининг мониторингини жорий қилишдир [5].

А.Миан ва А.Сафи томонидан ўтказилган тадқиқотлар кўрсатдики, уй хўжаликларининг ўз рискларини назорат қилиш имкониятлари фирмаларникига қараганда сезиларли даражада чеклангандир. Бу эса, цуй хўжаликларига

берилган кредитларни ўз вақтида қайтмаслик эҳтимолини оширади [6].

Ш.Абдуллаева хулоса қиладики: “кредит портфелини ресурсларнинг манбалари бўйича диверсификациялаш натижаларига кўра, баъзи тижорат банкларининг кредит портфелида марказлашган кредитлар салмоғининг юқорилигини ҳисобга олиш лозим ва шу кредитлар бўйича банкларга энгилликлар бериш, баъзи ҳолларда улардан олинган даромадни солиқдан озод қилиш каби чораларни кўриш мақсадга мувофиқ бўлар эди [7].

Ф.Холмаматовнинг хулосасига кўра: “тижорат банклари кредит портфелининг сифатини ошириш учун кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш методикасини такомиллаштириш мақсадида кредитларнинг сифатини реал баҳолаш ва уларга захира ташкил этиш бўйича қуйидаги мезонлар таклиф этилган: субстандарт кредитлар бўйича 1 фоиздан 10 фоизгача; қоникарсиз кредитлар бўйича 11 фоиздан 25 фоизгача; шубҳали кредитлар бўйича 26 фоиздан 50 фоизгача; умидсиз кредитлар бўйича 100 фоизгача” [8].

### Таҳлил ва натижалар

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистон тижорат банклари активларининг таркиби, фоизда<sup>1</sup>

Активлар таркиби	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.	2023й.
Кассали активлар шу жумладан:	17,1	17,2	17,3	18,1	20,0
Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов хужжатлари	2,5	2,4	2,7	2,4	3,5
Марказий банкдаги маблағлар	5,3	5,4	5,1	7,1	6,6
Бошқа банкдаги маблағлар-резидент	3,0	3,7	3,6	3,0	3,1
Бошқа банкдаги маблағлар-норезидент	6,3	5,7	5,9	5,6	6,8
Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	1,1	1,2	2,6	4,4	5,7
Мижозларнинг молиявий инструментлар бўйича мажбуриятлари	0,9	0,2	0,4	0,3	0,3
Кредитлар	76,8	76,1	73,8	71,1	68,1
Асосий воситалар	1,6	2,1	2,3	2,5	2,6
Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар	1,3	1,2	2,2	2,1	2,2
Бошқа активлар	1,2	2,0	1,4	1,5	1,1
<b>Активлар - жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>

1-жадвал маълумотларидан кўринадими, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни кредитлар, иккинчи ўринни кассали активлар, учинчи ўринни эса, қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар эгаллайди.

<sup>1</sup> Жадвал [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) сайтнинг (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Таҳлиллар кўрсатдики, Асакабанкда кредитлаш амалиёти ошиб бораётганлиги ҳисобига 2019-2023 йилларда кредит портфелининг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, биринчидан, АТ “Асакабанк”нинг миллий иқтисодиёт субъектларини, шу жумладан, автомобиль саноатини кредитлашдаги ролининг ошиб бораётганлиги билан; иккинчидан, АТ “Асакабанк” кредитларининг объекти бўлган хом-ашё ва товарларнинг баҳоларини инфляция ва девалвация таъсири ҳисобига ошиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Кредит портфелини бошқариш самарадорлигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, кредитларнинг даромадлилиги ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг брутто кредитларга нисбати тарзида аниқланади.

**2-жадвал**

**АТ “Асакабанк”да кредитлардан олинган даромадларнинг жами даромаддаги улуши, фоизда<sup>2</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2019	2020	2021	2022	2023
Кредитлардан олинган фоизли даромадлар, млрд. сўм	1 724	2 137	1 216	2 824	3 728
Жами даромад млрд. сўмда	3 454	5 171	2 668	5 009	7 698
Фоизда улуши	50	41	46	56	48

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, биринчидан, Асакабанкда жами даромадлар таркибида кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг миқдори 2021-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган; иккинчидан, банкнинг ялпи даромади таркибидан кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг улуши 2023 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган.


«Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномасига мувофиқ, таснифланган кредитлар бўйича захира ажратмалари ташкил қилишнинг қуйидаги ставкалари белгиланди:

- стандарт кредитлар – 1 %;
- субстандарт кредитлар – 10 %;

<sup>2</sup> Жадвал муаллиф томонидан АТ “Алоқабанк”нинг 2019-2023 молиявий йилларнинг якуни бўйича эълон қилинган ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

қониқарсиз кредитлар – 25 %;  
шубҳали кредитлар – 50 %;  
умидсиз кредитлар – 100 % [9].

Қуйида АТ “Асакабанк” кредитлари бўйича эҳтимолий йўқотишлар захирасининг даражасини баҳолаймиз.



**1-расм. АТ “Асакабанк”да кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси, фоизда<sup>3</sup>**

1-расм маълумотларидан кўринадик, Асакабанкда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси таҳлил даврида ушбу кўрсаткичнинг умумэйтироф этилган чегаравий даражасидан (1,0 %) баланд бўлган. Бу эса, банкнинг кредит портфелининг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

### Хулоса ва таклифлар

Илмий мақолани ёзиш жараёнида қуйидаги хулосалапрни шакллантирдик:

\*кредит олувчи миқдорнинг пул оқимини таҳлил қилиш кредит рискинни пасайтиришда муҳим ўрин тутди ва кредит портфелининг сифатини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади;

\*тижорат банклари бераётган кредитларни етарли даражада ресурслар билан таъминланмаганлиги уларнинг кредит портфелига салбий таъсир кўрсатади;

\*кредитлар бўйича фоиз ставкасини фоизли маржа ҳисобидан пасайтириш имконияти банк маҳсулотлари таннархини пасайиши билан белгиланади. Бунда, фоизли спред миқдорининг умумий қуйи чегараси бўлиб, етарли даражадаиг фоизли маржа ҳисобланади.

\*Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари таркибида

<sup>3</sup> Расм муаллиф томонидан АТ “Асакабанк”нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

салмоғига кўра биринчи ўринни кредитлар, иккинчи ўринни кассали активлар, учинчи ўринни эса, қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар эгаллайди;

\*Асакабанкда жами даромадлар таркибида кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг миқдори 2021-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, банкнинг ялпи даромади таркибидан кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг улуши 2023 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган;

\*Асакабанкда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси таҳлил даврида ушбу кўрсаткичнинг умумэътироф этилган чегаравий даражасидан (1,0 %) баланд бўлган.

Фикримизча, тижорат банкларининг кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида, биринчидан, соф фоизли спрэднинг меъёрий даражасига эришиш керак; иккинчидан, кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ўсиш суръати билан нетто кредитларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш зарур; учинчидан, кредит рискинни илғор хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш лозим.

2. Таснифланган кредитлар таркибини оптималлаштириш учун, биринчидан, таснифланган кредитлар таркибини яхшилаш йўли билан шубҳали ва умидсиз кредитларнинг таснифланган кредитлар ҳажмидаги салмоғини ошишига йўл қўймаслик керак; иккинчидан, кредитлар бўйича захира ажратмалари суммасининг ўсиш суръатини брутто кредитларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлишига йўл қўймаслик лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992 – сонли “2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.:Альпина Паблишер, 2017. – С. 485 - 486.

3. Мирзиёев Ш.М. Банклар энди «ўз аравасини ўзи тортиши керак». <https://sputniknews-uz.com/economy/20191026/2694075>.

4. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.:ЛЕНАНД, 2019. – С. 218.

5. Валенцева Н.И. Ценообразование на рынке банковских услуг//Банковское дело. – Москва, 2013. – №11. – С. 39.

6. Mian A., Rao K., Sufi A. Household Balance Sheets, Consumption, and the

Economic Slump//Quarterly Journal of Economics. – 2013. – 128(4). – pp. 1687 - 1726.

7. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларнинг кредит портфелини диверсификациялаш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2000.

8. Холмаматов Ф.К. Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 25.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори. Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 28-сон, 374-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.04.2018 й., 10/18/2696-2/1120-сон.